

**ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА
ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ**
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-46>

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович,
тарих фанлари номзоди,
Андижон давлат университети**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ушбу соҳасидаги ташқи-иқтисодий алоқалар атрофлича муҳокама қилинган, шунингдек, ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш ва унинг атроф-муҳитга таъсири бўйича қўшма корхоналарнинг фаолияти ҳамда атроф-муҳитни яхшилаш бўйича амалий чора-тадбирлар камраб олинган

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар, қўшма ишлаб чиқариш, экология ва атроф-муҳит, қайта ишлаш, шиша, қоғоз, пласмасса буюмлар, синтетик тола, қурилиш материаллари.

**МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ЭКОЛОГИИ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ**

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович,
кандидат исторических наук,
Андижанский государственный университет**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются внешнеэкономические отношения Республики Узбекистан в сфере защиты экологии и охраны окружающей среды, а также освещена деятельность совместных предприятий по переработке отходов в регионах и ее влияние на окружающую среду, в заключении раскрываются практические меры по улучшению в сфере экологии.


Ключевые слова: внешнеэкономические связи, зарубежные инвестиции, совместное-производство, экология и окружающая среда, вторичная переработка, стекло, бумага, пластмассовые изделия, синтетическое волокно, строительные материалы.

**INTERNATIONAL COOPERATION IN ECOLOGY AND
ENVIRONMENTAL IMPROVEMENT**

**Haydarov G.
candidate of Historical Sciences, Andijan State University**

ANNOTATION

This article discusses the foreign economic relations of the Republic of Uzbekistan



in the field of environmental protection and ecology, as well as highlights the activities of joint ventures for recycling waste in the regions and its impact on the ecosystem and the conclusion reveals practical measures to improve the ecology.

Key words: foreign economic relations, foreign investments, co-production, ecology and environment, recycling, glass, paper, plastic products, synthetic fiber, building materials.


Сўнгги йилларда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширилиши ва зарурий ҳуқуқий асосларнинг яратилиши – ҳорижий давлатлар билан дўстона, очик, ўзаро ишонч руҳида ҳамкорликни изчил давом эттириш, мамлақтимизни стратегик ҳамкор сифатида ҳалқаро майдондаги обрўси ва нуфузини ошириш борасидаги ислохотларимизни чуқурлаштириш, хорижий мамлакатларни юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга имкон берди.

Ўзбекистон тараққиётини янги боқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли барча соҳаларда ўзгаришлар юз бермоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлақатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришишимиз мумкин”[1]-деб таъкидлаб ўтди.

Мамлақатимизнинг истиқболдаги ривожланиши кўп жиҳатдан экологик ҳолат сув ва бошқа табиий ресурслар экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси[2:40-б]нинг устувор йўналишларида белгиланган ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган, глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига экологик атроф-муҳитга салбий таъсири юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш ўрин олган.

Бироқ, ҳозирги кунда, саноатнинг юқори даражада тараққий этиши, инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондирмоқда, саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар ва инерт газининг атмосферага меъёридан ортиқча чиқаётганлиги экологияга салбий таъсир этмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги[3] Фармони мамлақатимизда экологик



вазиятни яхшилаш орқали, аҳолига ҳар томонлама муносиб бўлган соғлом турмуш даражасини яратишга қаратилди.


Жумладан, аҳолининг санитария ва гигиена қоидаларига риоя этишини таъминлашда аввало чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақоза қилмоқда. Буборада, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда тоза ҳудуд концепциясини ишлаб чиқиш, чиқиндиларни чуқур қайта ишлашни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Чиқиндиларни саралаш, чуқур қайта ишлаш ва улардан хўжаликда фойдаланиш учун тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2020 йиллар давомида “Фарғона водийсида чиқиндиларни комплекс бошқариш кластерини ташкил этиш”[4] лойиҳаси ишлаб чиқилди. Чиқиндиларни комплекс бошқариш лойиҳасини амалга ошириш натижаси уларок, ушбу лойиҳа Фарғона водийсидаги 7 та шаҳар, 40 та туман, 315 та МФЙларда истиқомат қилаётган қарийиб 9 миллиондан ортиқ аҳоли 20 мингдан зиёд юридик мақомга эга бўлган фуқаролардан чиқаётган чиқиндиларни чуқур қайта ишлашга мўлжалланган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўслиги давлатлари орасида ягона бўлган ушбу кластер лойиҳаси Фарғона водийси ҳудудини тўлиқ қамраб олиб, водийда йиғилаётган йиллик 2 миллион тонна чиқиндини қайта ишлашни назарда тутди. Чиқиндиларни саралаш ва уни чуқур қайта ишлашга қаратилган Фарғона водийсидаги, “Man Capita” компанияси (Баҳрайн) ягона чиқиндиларни қайта ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланиб, унинг лойиҳа қиймати 96 миллион доллар баҳоланиб[5], тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш ҳисобига барпо этилади.

“Тоза ҳудуд” давлат унитар қўшма корхонаси улушига эга бўлиб, корхона ишга туширилганда чиқиндиларни йиғиш тизими тўла қувватда автоматлаштирилади. Бу эса чиқиндиларни махсус чиқинди хоналарда саралаб чиқинди идишларига жойлаштириш, юклаш ва ташиш ишлари такомиллаштирилмоқда. Бунинг натижасида барча аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлар тўлиқ автоматлаштирилган контейнерлар билан таъминланади. Пресслаш ускуналари ва GPS мониторинг тизими ҳисобига умумий харажатлар 20 фоизга қисқартирилади. Чиқиндилар тўпланадиган жойларда санитар-гигиеник қоидаларига тўла амал қилиниб, ахлат уюмларини пресслаш орқали бу йўналишдаги транспорт харажатларини 80 фоизгача камайтириш имкони яратилади. Ўз навбатида, чиқиндиларни тўплаш учун янги полигонларни ташкил этиш зарурияти йўқолади, чиқиндилардан атмосферага чиқадиган зарарли газлар, ҳамда ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган ва сув хавзаларига чиқарилаётган зарарли моддалар 50 фоизга камаяди. Энг асосийси, мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 2000 га яқин иш ўрни яратилади.

Чиқиндиларни чуқур қайта ишлаш кластер лойиҳасини амалга ошириш уч босқичга бўлинган бўлиб, биринчи босқич (2017 йил) амалга оширилиб 15 миллион доллар инвестиция киритилган бўлса, иккинчи босқич (2018 йил) ни ўз ичига



олиб, ушбу босқичда 40,8 млн. долларлик инвестиция киритиш назарда тутилган. Чиқиндилардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзловчи учинчи босқичда (2019-2020 йиллар) 40 млн. долларинвестиция киритиш режалаштирилган. 2020 йилга келиб эса чиқиндиларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш орқали маҳсулот олиш лойиҳаси тўлиқ Фарғона водийсини қамраб олиш имконини беради. Ушбу қўшма корхона тўлиқ истеъмолга киритилгандан сўнг, халқ хўжалиги ва аҳолининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган 15 турдаги халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришилади. Ўз навбатида, ишлаб чиқиладиган халқ истеъмол маҳсулотлари сирасига шиша, қоғоз, пластмасса буюмлари ва енгил саноат учун зарур бўлган синтетик тола, қурилиш материаллари, органик минерал ўғит, қаттиқ ёқилғи (брикет), биогаз маҳсулотлари, электр энергияси ишлаб чиқариш кабилар киради.


Европа инвестиция банки Ўзбекистон Республикасига кредитларини тақдим этиб, у экологик атроф-муҳитни, сувдан фойдаланиш инфратузилмаси ва энергия самарадорлигини оширишни кўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Биринчи 100 миллион евролик кредит сувлойиҳаларини молиялашга мўлжалланган бўлиб, у Европа Иттифоқи раҳнамолигидаги Иқлим ўзгариши бўйича ҳаракатлар ва Атроф-муҳит дастури доирасида амалга оширилади. Лойиҳалар Ўзбекистонга кўп жиҳатдан ташқи сув захираларига боғлиқлик ва жойларда ичимлик суви захиралари етишмовчилиги экологик муаммолар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга кўмак беради.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги “Махсустрас” ДУК ва “ГорКомТранс города Караганди” тўғрисида меморандум имзоланди.

Ушбу меморандумнинг мақсади коммунал чиқиндилар билан ишлаш масалалари бўйича иккита корхонанинг тажрибасини ўрганиш ва тарқатишда назарий, маслаҳат-амалий ёрдам бериш, шу жумладан, экология таъсир этувчи, чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлашни ташкил этишдан иборат.

Мазкур масалаларнинг батафсил муҳокамаси учун Тошкент шаҳар ҳокимлигида Қозоғистон Республикасининг Қарағанда шаҳар ҳокимлиги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди, унда барча иштирокчилар ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга ошириладиган ишлар рўйхатини тақдим этиб, шу жумладан, экологик-коммунал чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлашни ташкил этишдан иборат. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қўшма-корхонасини биргаликда қуриш режалари кўрилди.

Анджон вилояти Булоқбоши туманида чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган Eco Clean Trans МЧЖ корхонаси фаолият бошлаб, ушбу корхонани ташкил этиш учун 7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги [6] сармоя йўналтирилиб, корхонага чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган 12 турдаги замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Улар ёрдамида ҳар қандай турдаги маҳсулот чиқиндилари қайта ишланиб, экологик жиҳатдан тоза бўлган салфетка, резина гранулалари, шлакаблок каби тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш




йўлга кўйилди. Корхона тасарруфида 48 та йирик махсус автотранспорт воситаси ва 15 та кичик ҳажмдаги мобилтранспорт мавжуд бўлиб, тажриба тариқасида Андижон шаҳридаги чиқиндиларни қайта ишлаш билан бирга, келгусида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларини қамраб олишни режалаштирган. Шу йилнинг охирига қадар ҳудудларда 15 та қабул қилиш шохобчалари ташкил этилади. Корхонада аҳоли даромадини ошириш ҳам кўзда тутилган бўлиб, яъни аҳоли томонидан олиб келинган чиқиндиларни 80 фоизи қайта ишланиб, қолган 20 фоизидан ёқилғи сифатида фойдаланиш – газ ва электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Биргина Андижон шаҳрининг ўзида кунига 500 тонна маиший чиқинди ҳосил бўлишини инобатга олсак ушбу лойиҳа нафақат вилоят иқтисодиётини юксалтиришга, балки экология барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Умуман олганда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган изчил ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсат юритилаётгани, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳалқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги стратегик мақсадларга эришиш имконини беради.

Жорий йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида Европа Иттифоқи-Марказий Осиё юқори даражали VI конференциясида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва яшил иқтисодни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу конференцияда Марказий Осиё, Европа Иттифоқи мамлакатларининг атроф-муҳит, иқлим ўзгариши ва сув ресурслари соҳасидаги сиёсат учун масъул вазирлари ва дипломатлари иштирок этиб, Анжуман табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш, туташ цикллари иқтисоди, барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини барқарор ҳамда трансчегаравий бошқаришни қамраб олувчи Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё платформаси доирасида ташкиллаштирилди, унда мазкур йўналишда ҳамкорлик қилишга доир устувор вазифалар белгилаб олинди.

Европа Иттифоқи-Марказий Осиё юқори даражали VI конференциясида 2015 йилдан буён Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши бўйича Европа Иттифоқи-Марказий Осиё ишчи гуруҳининг ваколатлари кенгайрилди, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш ҳамда яшил иқтисод, туташ цикллари иқтисодини илгари суриш учун инфратузилмага инвестицияни кучайтириш вазифаси белгиланди, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги истикболли ҳамкорликнинг устувор соҳаларини аниқлаб олиниб, Евроиттифоқ ва Марказий Осиё мамлакатларининг атроф-муҳит ва иқлими ўзгаришлари бўйича ишчи гуруҳининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Шу йилнинг март ойида Германиянинг BORDA ассоцияси UzWaterAware лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистоннинг давлат ташкилотлари матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экологик муаммолар йўналишида фаолият юритувчи нодавлат ташкилотлар ҳамда ёшлар ташкилотлари




вакиллари учун учрашув ўтказилиб, мамлакатдаги сув масалалари ва экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва ўзаро ҳамкорлик йўналишларида кенг қамровли ишларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашилди. Шунингдек, European Union in Uzbekistan дастурининг 3-компоненти ҳисобланган UzWaterAware-“Ўзбекистонда қишлоқ жойларда сув ресурсларини барқарор бошқариш” лойиҳаси тренинг майдонига биринчи (GIZ Water Governance in Uzbekistan) ва иккинчи (UNDP Uzbekistan) компонентларни таклиф қилишди ва улар иштирокчиларга ўзларининг лойиҳалари ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур соҳа фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик меъёрлари юртимизда экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод ва кўркем қиёфа касб этиши йўлидаги улкан амалий қадам эканлиги барчамизни беҳад мамнун этади. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетмаслиги, утилизацияни яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам экологик мувозанатни бузилишига олиб келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- Экология ва атроф муҳитни янада яхшилаш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибаларини қўллаш ва ушбу соҳада ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш;
- Аҳолини экологик маданиятини оширишни оиладан, маҳалладан бошлаш ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- Аҳоли гавжум жойларида чиқинди ташлаш қутилар сонини кўпайтириш, чиқинди ташиш машиналарини сонини кўпайтириш;
- Чиқиндиларни утилизация қилиш ва иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланишни такомиллаштириш;
- Қишлоқ жойларда чиқиндиларни махсус ташлаш ва утилизация қилиш жойларни ташкил қилишни янада яхшилаш;
- Экологик тарбия, экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳаси мутахассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширишни ташкил этиш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни Олий Мажлисга Му-рожаатномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б . 40.
- 3.Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель.
- 4.Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари. 2018.
5. Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари. 2018.
6. Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари. 2018.
- 7.Қориева М Независимость-свободная и благополучная жизнь. – Ташкент: Шарқ, 2010. – Б. 46-47.



8. Қаландаров А Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий қадрият. – Тошкент: Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. – Тошкент: Маънавият, 2019.

10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий ривсола “Маънавият” тошкент 2017 йил.